



«Харом» лугатда ман килишни англатади. Шариатда эса ҳеч қандай шубҳасиз, очик-ойдин равишда ман ки-линган нарса харомдир. Буни билиб олиш учун алохи-да тайёргарлик кўришнинг кераги йўқ. Арок, нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчка гўшти, Аллохнинг исми айтилмай сўйилган хайвонлар гўшти, эркак ки-шиларга ипак кийимлар ва никохида бўлмаганлар ила жинсий алоқада бўлиш қабилар харомдир. Шу билан бирга, ўзи ҳалол бўлган нарсаларга ша-риятда ман килинган йўл билан эга бўлса, улар ҳам харомга айланиб қолади. Мисол учун, зулм, ўгрилик, рибохўрлик, алдамчилик, порахўрлик йўли билан то-пилган ҳар бир нарса, ўзи қанчалик пок бўлса ҳам, то-пувчига харомдир.

Шунинг учун ҳам уламоларимиз мутлак харомни «Узида харомлик сифати бор ёки ман килинган йўл би-лан топилган нарсадир», деб таърифлайдилар. Мусул-мон киши учун харомдан ҳазар килиш фарздир.

Аллох таоло мўмин-мусулмонларни харом йўл би-лан бировнинг молини ейишдан қатъий равишда қай-тарган.

Бировнинг мол-мулкини харом йўл билан ейиш бу дунёда турли бало-офатларга, охирада дўзах азоблари-га сабаб бўлади.

Аллох таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

«Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг» (188-оят).

Имом Куртубий: «Оятдаги "ботил йўл билан емаслик"ка харомнинг барча турлари: кимор, алдамчилик, харом нарсаларни сотиб мол топиш, харом қасбларни қилиб мол топиш ва бошқалар қиради», деганлар.

Аллох таоло Анъом сурасида марҳамат қилади:

«Холбуки, У сизларга мажбур бўлганингиздан бошқа харом қилган нарсаларини батафсил баён қилиб қўйган-ку!» (119-оят)

Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Одамларга бир замон келурки, унда киши молни нимадан олганига парво ҳам қилмайди: ҳалолданми, харомданми», дедилар».

Бухорий ва Насоий ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шариф Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг қатта мўъжизаларидан биридир. Ушбу ҳадиси шариф у зот соллаллоху алайхи васалламнинг муборак оғизларидан чиққан пайтда қўпчилик мусулмонлар молни ҳалол-харомига қарамай олиш деган нарсани умуман ҳаёлларига ҳам келтира олмади. Чунки мусулмонман, деган одам фақат ҳалол нарсани олиши, харомдан ҳазар қилиши уларнинг фикри-зикри, бутун вужудига сингиб кетган эди. Аммо асрлар ўтиши билан қишлоқ

Исломдан, иймондан узоклаша бориб, охир-окибат халол билан харомни фарк килмайдиган холатга етдилар.

Кишилар халолни кўйиб, харомга ўзини урадиган, мол-дунё тўплаш йўлида хар кандай харомдан, жирканчликдан, пасткашликдан тап тортмайдиган бўлишди. Хаттоки халол бўлишга уринган кишини девоналикда, аклсизликда айблайдиган даражага етдилар. Шундай килиб, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи ва-салламнинг ушбу хадисда айтган гаплари юзага чикди.

Аслида эса инсонни хайвондан ажратиб турадиган нарсалардан бири хам халол-харомни фарклардир. Дуч келган нарсани суриштирмай ўзиники хисоблаб, ундан фойдаланишга ўтиш хайвонга хосдир. Инсон эса бу нарса халолми, харомми, яъни фойдалими, фойдасизми, ўзиникими, ўзганикими, албатга сўраб-суриштиради.

Мусулмон киши эса хар бир нарса шариат рухсат берган тарзда бўлиши кераклигини тўлиқ тушунган ва масъулиятни сезган холда, хар бир харом нарса катта гуноҳ бўлишига эътикод килиб яшайди.

Ислом акийдаси бўйича шариатда харом хисобланган нарсани халол санаш кофирликдир. Харомнинг харомлигини билиб туриб, ундан хазар килмаслик эса гуноҳи азимдир. Шунинг учун мусулмон киши нима халол, нима харом эканини яхшилаб билиб олиши ва халол касбни ихтиёр килиши керак.

«Мусулмон кишига бирор таом такдим килинса, хадя берилса ёки у бирор нарсани сотиб олмокчи бўлса, у нарсанинг халол ёки харомлигини сўраб-суриштириб олсин. Чунки бундай нарсалар вазиятга караб гохида вожиб, гохида харом, гохида мандуб ва гохида макрух бўлади», дейдилар уламоларимиз.

Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам ўз хадисларидан бирида яна бошка бир мисол келтирадилар:

Нуъмон ибн Башир розияллоху анхудан ривоят килинади:

«...Набий соллаллоху алайхи васаллам дедилар:

«Огоҳ бўлинг! Албатта, хар бир подшоҳнинг кўрикхонаси бордир.

Огоҳ бўлинг! Албатта, Аллоҳнинг ердаги кўрикхонаси - харом килган нарсаларидир.

Огоҳ бўлинг! Танада бир парча гўшт бор, у соғлом бўлса, бутун тана соғлом бўлади. У бузилса, бутун тана бузилади. Огоҳ бўлинг! Ўша нарса калбдир».

Бухорий, Муслим, АбуДовуд, Термизий ва Насоий ривоят килишган.

«Огоҳ бўлинг! Албатта, хар бир подшоҳнинг кўрикхонаси бордир».

Ўша кўрикхонада подшоҳнинг хайвонларидан бошка хар кандай хайвоннинг юриши катъиян ман килинган. Ушбу коидани бузган одам эса тегишли жазога тортилган.

Подшоҳнинг жазосидан кўрккан одам кўрикхонага ўзи хам якинлашмайди, хайвонини хам якинлаштирамайди. Эҳтиёт бўлмаган одам эса подшоҳнинг жазосига тортилиши хеч гап эмас.

«Огоҳ бўлинг! Албатта, Аллоҳнинг ердаги кўрикхонаси - харом килган нарсаларидир».

Яъни Аллоҳ таоло харом килган нарсалар худди подшоҳнинг кўрикхонасига ўхшайди.

Ким ўша харом килинган нарсаларга якинлашса, унинг харомга йўликиши осонлашади, харом ишни килган одам эса Унинг жазосига учрайди. Харом ишни килган одам учун икки дунёда хам турли-туман жазолар бордир.

Харом нарсаларни еган, улардан фойдаланган кимсалар бу дунёда соғликлари бузилиши, турли бало-офатларга гирифтор бўлишлари хамда охиратда уларга ўзига яраша огир жазолар тайин килиниши мукаррар.

Харом йўлдан мол топганларга хам бало-офатларга йўликиш, ибодати ва дуоסי кабул

бўлмаслиги каби рухий-маънавий жазолар бор. Охиратда эса дўзах азоби бўлиши турган гап.

«Огох бўлинг! Танада бир парча гўшт бор, у соглом бўлса, бутун тана соглом бўлади. У бузилса, бутун тана бузилади. Огох бўлинг! Уша нарса калбдир».

Бу иктибосда «солих» сўзи «бузук» сўзига карама-карши маънода ишлатилганига эътибор беришимиз керак.

Ушбу жумлаларда калбнинг инсон хаётидаги ўрни ва ахамияти баён килинмоқда.

«Калб» деб лугатда «бир нарсани ағдаришга» нисбатан айтилади. У бир хилда турмай, у ёк-бу ёкка ағдалиб тургани учун ҳам «калб» деб аталган. Ислом тушунчаси бўйича калб икки хил: зохирий ва ботиний бўлади.

Зохирий калб кўкракнинг чап томонида жойлашган конус шаклидаги гўшт парчасидир. У инсоннинг зохирий - жисмоний кисмига жон вазифасини ўтайди.

Ботиний калб эса нуроний, латиф, билувчи нарса бўлиб, инсонни инсон килувчи нарса ҳам ўшадир.

У инсоннинг аклий, рухий-маънавий хаётига тириклик бахш этади.

Калб бизнинг тилимизда «юрак» ҳам дейилади. Ушбу хадиси шарифда таъкидланишича, калб инсоннинг ёмон ёки яхши бўлиши учун асосий омил бўлар экан. Унинг ёмон ёки яхши бўлиши эса халол ва харомга боғлиқ.

Ушбу хакикат қадим замонда фақат рухий-маънавий жихатдан тушунилган. Харомхўрлик қилган одам гунохкор бўлиши ва охиратда дўзахга тушиши маъносидагина тушунилган.

Хозирги кунда эса юрак жисмимизни хаётда ва соғлиқда тутиб турадиган нарса сифатида билинади. У ишлаб турса, жисмда хаёт бўлади, у соғлом бўлса, жисм ҳам соғлом бўлади, у хаста бўлса, жисм ҳам хаста бўлади, деб фикр қилинади.

Аслида эса хадисдан ушбу икки тушунчанинг умумлаштирилган маъноси тушунилмоғи лозим.

Илмий равишда собит бўлишига караганда, Ислом шариатида харом қилинган нарсаларни таом сифатида тановул қилган одам хасталикка чалинар экан. Чунки Ислом зарарли нарсаларни харом қилган. Харом нарса истеъмол қилинганидан сўнг танада конга айланади. Юрак эса кон хайдайдиган аъзодир. Зарарли нарсалардан пайдо бўлган зарарли кон юракнинг хасталанишига сабаб бўлиши эса илмий хакиқатдир. Юрак хаста бўлгандан кейин эса хадиси шарифда айтилганидек, жисмнинг ҳаммаси бузук бўлади.

Худди шу ҳолат ботиний калбга нисбатан ҳам ҳосил бўлади. Ўғрилик, порахўрлик, рибохўрлик, алдамчилик, боскинчилик каби харом йўллар билан ўзига мол-мулк топган одамлар гунохкор бўладилар. Мазкур гунохларнинг зарари эса уларнинг ботиний калбларини хаста қилади. Харомхўрлик давом этаверса, маънавий хасталик бориб-бориб, маънавий ўлимга айланади.

Шунинг учун ҳам «Калб жисмга нисбатан подшоҳ кабидир», дейилади. Подшоҳдан яхши амр чикса, фуқароларга яхши бўлганидек, юракдан яхши ниятлар чикса, жисмнинг бошқа аъзоларига яхши бўлади.

Хар доим бўлганидек, хозирда ҳам ушбу буюк хадиси шарифни яхшилаб тушунишга, унга яхши амал қилишга жуда ҳам муҳтожмиз.

Халол нима эканини билиб олиб, доимо халолга етишиш учун ҳаракат қилишимиз керак.

Харом нима эканини яхшилаб билиб олиб, доимо ундан ҳазар қилишимиз лозим.

Шубҳали нарсалардан узоқда бўлиш жуда ҳам зарур. Уламолардан сўраб-суриштириб, ўзимизга халоллиги аниқ бўлган нарсанигина раво кўришимиз зарур.

Агар уламолар шубхали нарсаларнинг халоллигига фатво бермасалар, унга мутлако якин йўламаслигимиз керак.

Энг кўп халол-харомни суриштириладиган жой бозор - савдо тармоқларидир. Чунки ўша жойларда хар лахзада олди-берди бўлиб туради. Шунинг учун кишилар бозорларда жуда хам эҳтиёт бўлишлари лозим.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Аллохга энг махбуб юртлар масжидлардир. Аллохнинг энг кўп газабига учраган юртлар бозорлардир», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдаги масжидлар ва бозорлар ҳақидаги васфлар уларда содир бўладиган ишлар юзасидан айтилган.

Одатда масжидларда Аллохга ибодат қилинади, тиловату зикр, ваъз-насихатлар бўлади, илм ўрганилади, мусулмонларнинг ахлоқ-одоби, тарбияси, рухий-маънавий ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилади. Умуман, икки дунё фойдасига оид ишлар бўлади.

Бозорлар Аллох таоло энг ёмон кўрган жойлардан бўлиши одатда у ерда ёлгон, алдамчилик, бировнинг молини харомдан ейиш каби ходисалар содир бўлганидандир. Ислонда савдо-сотик ишларида халол бўлишга каттик тарғиб қилинади. Алдамчилик, бировнинг молини харомдан ейиш, савдо-сотикда каллоблик қилиш каттик қораланади. Ҳадисда бозорлар Аллох таоло энг ёмон кўрган жой тариқасида саналишининг сабаби хам шунда. Бозор бозор бўлгани учун эмас, унда харом-хариш, ношаръий ишлар кўплиги учун шундай сифатга эга бўлган. Шунинг учун мусулмонлар бозорда доимо эҳтиёт бўлишлари керак. Бозорга кирганда хам Аллохдан паноҳ сўраб кириш, юрганда хам паноҳ сўраб юриш лозим.

Юқорида айтиб ўтилган маънолар юзасидан хар бир мусулмон инсон бозор ишлари, савдо-сотикка оид ислоний таълимотларни ўрганиб олиши зарурдир ва яхшилиқдир.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, роҳимахуллох  
Бозор ваунга боғлиқ масалалар